



ХАЛАК СҮЗИ

2020 йил – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

www.xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2020 йил 4 август, № 162 (7664)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефоннинг орқали сканер килинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮГРИСИДА

Мамлакатимизда статистика маълумотларининг сифати ва ишончилигини ошириш борасида тизимишни ишлар амалга оширилиб, бўлиб ўтгаётган ижтимоий-иктисодий жаҳёнларни, жумладан, халқаро ташкилотларнинг махсус нашрлари ва маълумотлар базаларида холис ва ишончи акс эттиришини таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Шу билан бирга, статистика маълумотларни сифатини янада яхшилаш, статистика кўрсатичларининг тўлаконли маълумот базаларини яратиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, ижтимоий-иктисодий ва демографик соҳаларда статистиканинг замонавий усусларини жорий этиш зарурати мавжуд.

Миллий статистика тизимини такомиллаштириш, давлат статистика органларининг мустақилигини таъминлаш, статистика маълумотларининг холисиги ва ишончилигини ошириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор ўйналиши бўйича Харакатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва ракамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш максадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг

милий статистика тизимини такомиллаштиришнинг **куйидаги устувор ўйнишлари белгилансин:**

статистика органларини талаб юкори бўлган, сифатли ва ишончи маълумотларни шакллантиришга, статистика маълумотларининг шаффоғлиги ва ошкоралигини оширишга қаратилган профессионал мустақил хизматга айлантириш;

статистика соҳасида ягона сиёсатни амалга оширишга қаратилган ваколат ва мажбуриятларни мустаҳкамлаш орқали Ўзбекистон Республикаси давлат статистика кўмитаси хузуридағи Статистика кенгашининг тўлиқ фаолиятни таъминлаш;

илгор ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган холда статистика ахборотларини йигиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш, нашр этиш ва саклаш бўйича яхлит тизимиш ташкил этиш;

расмий статистикани ишлаб чиқариш, тарқатиш ва мувофиқлаштириш мақсадида мамлакатнинг бутун милий статистика тизими доирасида кўлланилдаган услубий асослар ва бошқарув тамоилларини такомиллаштириш;

идоравор маълумотлар базаларини ягона маълумотларни бошқариш тизимиш интеграция қилиш орқали кузатувларни босқичма-босқич оптималлаштириш ва респондентлардан хисобот

топшириш юкини камайтириш, шунингдек, рўйхатга олиш ишларини ўтказиш ва япли статистика ҳисоботларини танланма кузатувлар билан алмаштириш ҳисобига статистикани шакллантириш тизимишни такомиллаштириш;

статистика маълумотларидан фойдаланувчилар билан самарали ҳамкорлик сиёсатини йўлга кўйиш ва мавжуд статистика маълумотлари түгрисида жамоатчиликни хабардор қилиш орқали фойдаланувчиларнинг статистика ахборотларига бўлган ишончини ошириш;

давлат статистика органлари фаолиятини моддий-техник кўллаб-куватлашни янада яхшилаш, ходимларнинг самарали ишларни учун муносиб шартшароитлари яратиш, шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларининг самарали жорий этилиши ҳисобига худудий статистика органлари тузимларни ва уларнинг вазифаларни босқичма-босқич мақбулаштириш;

давлат статистика органлари ходимларининг касбий дарражасини ошириш, иммий тадқиқотларни олиб бориши хамда келгисида амалиётда кўллаш учун илгор статистика усуслари ва технологияларни, шу жумладан, очик маълумотлар соҳасида инновацион ишланманларни ишлаб чиқиш.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофик:

Давлат статистика кўмитаси расмий статистикани шакллантириш билан боғлик ўз ваколатларини барча давлат органлари ва ташкилотларидан мустақил равиша амалга оширади;

Статистика органларининг қонуний фаолиятига, шу жумладан, расмий статистика ҳисоботлари ва кузатувларни ўтказиш хамда уларни нашр килиш ва эълон қилиш жаҳёнларига **хар қандай аралашишга йўл қўйилмайди**;

Давлат статистика кўмитаси томонидан шакллантириладиган статистика маълумотлари **расмий статистика ахбороти сифатида эълон қилинади**;

Қоракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошшармалари (кейнги ўннларда — худудий бошшармалар), шунингдек, туманлар (шаҳарлар) статистика бўлимлари **маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақилдирилар** ва бевосита Давлат статистика кўмитаси мустақилларни бўйсунади;

худудий бошшармалар бошликлари давлат статистика кўмитаси томонидан, туманлар (шаҳарлар) статистика бўлимлари бошликларирида таҳдимномасига кўра Давлат статистика кўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

(Давоми 2-бетда).

ЮКСАК ТАФАККУР, ҚАТЪИЙ ИНТИЗОМ, САБР-ТОҚАТ ВА УЛКАН МАСЪУЛИЯТ КОРОНАВИРУСНИ ЕНГИШДА АСОСИЙ ҚУРОЛИМИЗИР

Бутун дунёга кенг ҳаво томчи йўли орқали юқидиган касаллик. Бундай касалликларнинг олдини олиши энг самарали йўл, қарантин тадқиқларидан. Шу бўис мамлакатимизда касаллик қайд этилган дастлабки кунлардан бошлаб қатъи қарантин талаблари жорий килинди. Айни пайтда қарантин муддати 15 августанча узайтирилшининг боиси ба касаллик ахоли орасида кескин таркиб кетишининг олдини олишидир.

Хўш, инсоният бу балодан қачон кутулади? Хусусан, уни бартараф этиш борасида юртимизда хозиги кунда қандай чора-тадқиқлар кўрилмоқда? "Тождор" вирусдан касалланганларни даволашда кўлланилаётган стратегия қанчалик самарали бўялпти?

Тошкент тибиёт академияси ректори, профессор Лазиз ТЎЙЧИЕВ билан сұхбатимиз шу каби масалалар атрофида кечди.

Бизнинг сухбат

— Аввало, якунда Президентиним Фармонига мувофик, "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан тақдирланганинг биз билан табриклимиз.

— Раҳмат. Бу юксак мукофот, ўйлайманки, менинг тимсолимдаги бугунги кунда

Тағсилотларни видеоЯвхада кўринг



до бўлади. Эътиборли бўлган инсон хаётга, ён-атрофидаги ўйр бераётган воқеаларга бефарқ қарамайди. У одамларнинг ташвиши, дардига шерик бўлади, улар учун куонади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда тибиёт ходимларига нисбатан жуда катта икобий ёндашув шаклланаб бормокда. Жумладан, бу пандемия шароитида кўзга яққол ташланди. Иқтисодиёт ҳам, ижтимоий ҳаёт ҳам мураккаб ҳолатга тушиб қолган айни пайтда давлатимиз раҳбари тибиёт ходимларини моддий рағбатлантириши янада кучайтиришга, уларни давлат мукофотлари билан тақдирлашга алоҳида аҳамият қаротмоқда. Бу бизга жуда катта кўз беради.

Тушуниш турибимиз: бу — ишон. Демак, биз шу ишончага муносиб бўлмоғимиз, ишмизини шунгич қараб ташкил этимогимиз даркор. Чунки биз жуда оғир, мураккаб шароитда қадам босямиз. Бу жаҳардан қачон тугашини ҳам билмаймиз. Шундай шароитда меҳнатимиз қадрланниб, ҳар томонлама кўллаб-куватланаётгани бизни нафақат руҳлантарида, балки юртимизга хизмат қилишида гайрат-шижоатимизни янада оширади.

4

қўримас "ёв"га қарши жасорат билан туну кун кураш олиб бораётган шифокорлар меҳнатига эътибор ва ғамхўрлик ифодаси бўлди.

Дарҳаққат, одамга куч багишладиган энг катта восита, бу — эътибор. Эътибор натижасида жамият равнайк топади, одамлар кўнглида янги орзу-умидлар пай-

Дарҳаққат, мамлакатимизда ахоли манбағларини таъминлаш, ҳаёт сифатини янада яхшилаш, муносиб турмуш шароити яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўнилишларидан бири бўлиб келмоқда. Бўборада килинаётган ғамхўрликлар самарасини ҳар бир инсон, хусусан, коронавирус пандемияси туфайли мураккаб ва синовли кунларни бошдан кечираётган юртодшарларимиз ҳам ўз хётди ҳисоби турди.

Ушибу тарихий жаҳар ҳақида мутасаддилар хамда бундай эътибор ва ижтимоий қўйлаб-куватлашдан баҳраманд бўлган фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

5

Тарихий ва маънавий қадриятларимиз

БАРДАВОМЛИГИ ИФОДАСИ

Халқимизда яхшилик, ҳайрли амалларга хайриҳоҳлик, эзгу фазилатларни қадрлаш, саҳоватпешалик, инсонпарварлик тамоилларни хамияга улугланган. Юксак ахолий ва маданий тарзимиз, шубҳасиз, маънавий сарочашмалардан баҳра олиб, миллатимизнинг ўзига хос киёфасини шакллантиришга хизмат килган ва ба қадрлият ҳаёт бардавомдир. Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳароҳати ба ўлмас ҳақиқатнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 30 июнаги "Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий химиояга ва ёрдамга мутхок ахоли қатламарни моддий қўйлаб-куватлашга доир қўйича чора-тадқиқлар кўрилса" ги. Фармони мазкур умумхалқ ҳароҳатига янгича кўлам ва мазмун баҳш этиди. Ушибу тарихият мутасаддилар, Ҳаҷарра тадқиқларни ҳамда худударни комплекслу ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича мутасадди идоралар

томонидан шакллантирилган моддий ёрдам ва кўмакка мутхок оиласларни рўйхатларига ("темир дафтар") киритилган ҳамда аъзолари 1,7 миллион нафардан ортик бўлган 400 мингдан кўпроқ оиласларга республика бюджетидан бир марталк моддий ёрдам кўрсатилиши.

Дарҳаққат, мамлакатимизда ахоли манбағларини таъминлаш, ҳаёт сифатини янада яхшилаш, муносиб турмуш шароити яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўнилишларидан бири бўлиб келмоқда. Бўборада килинаётган ғамхўрликлар самарасини ҳар бир инсон, хусусан, коронавирус пандемияси туфайли мураккаб ва синовли кунларни бошдан кечираётган юртодшарларимиз ҳам ўз хётди ҳисоби турди.

Ушибу тарихий жаҳар ҳақида мутасаддилар

хамда бундай эътибор ва ижтимоий қўйлаб-куватлашдан баҳраманд бўлган фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

2-саҳифага қаранг.

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини
телефоннинг орқали сканер килинг.

Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси



КУН ТАРТИБИДАН ҚАНДАЙ МАСАЛАЛАР ҮРИН ОЛГАН?

Шу йилнинг 5 август куни Олий Мажлис Конунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси ўтказиш режалаштирилмоқда. Кун тартибидан ўндан ортик масалалар ўрин олган. Депутатлар бир катор мухим қонун лойиҳаларини мухоммада килиш бўлган сўровларига келган жавобларни ҳам кўриб чиқадилар.

Парламент сўровига
Марказий банк раиси
жавоб берди

Аввал хабар берилганидек, ҳалқ вакиллари томонидан жойларда ўтказилётган учрга оширилаётган ишларни қонун лойиҳаларини муроккаб келиб ётганларни молиялаштиришда тиқорида банкларда ресурсл

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
КАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3. Давлат статистика қўмитасига қўйидаги хукуклар берилсин:

боша расмий статистика ишлаб чиқарувчиларнинг статистика методологияларини халқаро **стандартларга мувофиқлиги юзасидан аудитдан ўтказиш** ва аудит натижаларига кўра, вазирлик ва идораларга бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

кузатувларни ўтказиш, расмий статистика материалиларни шакллантириш ва таҳлилларни амалга ошириш мақсадида **вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан ўзаро электрон боғланниш**.

Бунда, вазирлик ва идоралар раҳбарлари давлат статистика қўмитасининг ўз ваколатлари доирасидаги сўровига мувофиқ ўзларининг ахборот тизимлари гириши ва ундан эркин фойдаланишини тъминлаш учун шахсан жавобгардирлар.

4. Кўйидагилар:

Жаҳон банки кўмагида ишлаб чиқилган **2020 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегияси** (кейинги ўринларда – Стратегия) 1-иловага мувофиқ;

2020 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегияси юзасидан ошириш бўйича **“Йўл ҳаритаси”** (кейинги ўринларда – “Йўл ҳаритаси”) 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси хузуридаги Статистика кенгашининг таркиби 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси хузуридаги Статистика кенгашига таъсисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқланин.

5. Вазирлар Махкамаси (Ж. А. Кўйкоров):

Стратегия ва “Йўл ҳаритаси”нинг тўлиқ бажарилиши ташкил қўлини, белгиланган вазифалар бажарилиши устидан доимий мониторинг ўрнатсин;

бир ой муддатда Стратегиянинг йўналишлари бўйича тегишли чора-тадбирларнинг бажарилиши учун масъул бўлган манбаатдор вазирлик ва идораларнинг малакали мутахассисларидан иборат **тармок ишичурхуларни** шакллантирисин;

Стратегия ва “Йўл ҳаритаси”нинг ижросини тъминлашга қартилаган норматив-хукуқий хужжатлар лойихаларининг ўз вақтида, сифатли тайёрланиши ва белгиланган тартибда киритиб борилишини тъминлаш;

Стратегиянинг ижроси юзасидан чора-тадбирларни амалга оширишда Жаҳон банки билан яқиндан ҳамкорликни йўлга кўйсин ҳамда уларнинг ижроси учун Жаҳон банкининг томонидан ахратаётган маблагларнинг мақсадли сарфланиши устидан мониторинг ўрнатсин;

Стратегия ва “Йўл ҳаритаси”нинг ижро холати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига йилини ахборотларнинг тақдим этиб борилишини тъминласин.

6. Давлат статистика қўмитаси хузурида ўз ишини жамоатчилик асосида олиб борадиган, доимий фаолият юритувчи **маслаҳат-кенгаш органи хисобланадиган Жамоатчилик кенгаши** фаолият юритилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Жамоатчилик кенгашига қўйидаги қўшимча вазифалар юклансин:

Давлат статистика қўмитасининг фаолиятини тақомиллаштириш бўйича таклифларни ва фойдаланувчиларни расмий статистика маълумотларига бўлган этиёжларни қоноатлантириш механизмилаштириш ишлаб чиқиши;

статистика маълумотларининг **шашфоғлиги, ошкоралиги ва қулагилгини** оширишни тъминлаш;

Давлат статистика қўмитаси томонидан **долзарб, сифатли ва ишончли** статистиканинг шакллантирилишига кўмаклашиш;

мавжуд статистика маълумотлари хақида **жамоатчиликнинг хабардорлигини** ҳамда уларнинг **статистика маълумотларига бўлган ишончини ошириш** учун фойдаланувчилар билан яқиндан алоқа ўрнатиш;

7. Давлат статистика қўмитаси:

Жамоатчилик кенгаши фаолиятига нодавлат нотижорат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари, илмий жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакилларини, миллий ва халқаро эксперторларни жалбаширчаларини кўрсисин;

манбаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳар йили **1 декабрга** кадар мамлакатда миллий иқтисодидиёт ва ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш жараёнларининг ишончлилиги ва тўлиқлигини инобатга олган ҳолда давлат статистика ишлари дастурини ишлаб чиқсин ва Жамоатчилик кенгашига келишиш учун тақдим этиб борсин;

хар йили **1 октябрьга қадар** давлат статистика ишлари дастурининг бажарилиши натижалари ва статистика соҳасидаги методологияни тақомиллаштириш ҳамда ишларни ташкил этиши борасида олиб бориладиган фаолият самарадорлиги тўғрисидаги ҳисоботининг Статистика кенгашига киритиб борилишини тъминласин.

8. Давлат статистика қўмитасига рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиши ва ўтказиш учун 65 та қўшимча штат бирлиги, шу жумладан:

марказий аппарат учун – 17 та штат бирлиги; худудий бошқармалар учун – жами 48 та штат бирлиги ахратаётсан.

Бунда, давлат статистика қўмитаси ва унинг худудий бошқармалари бошқарув ходимлари чекланган соҳини ошириш давлат солиқ хизмати органлари ходимлари соҳини кисқартириш ҳисобига амалга оширилади.

9. Мазкур қарорнинг 5-иловасига мувофиқ рўйхат бўйича вазирлик ва идоралар бир ой муддатда ходимларини чекланган умумий сони доирасида идоравий статистика маълумотларини шакллантириша давлат статистика қўмитаси билан ахборот алмашинувини тъминлашга ихтисослаштирилган бўлимни ташкил этисан.

10. Молия вазирлиги:

Давлат статистика ишлари дастурини амалга ошириш учун маблағ ажратишда фойдаланувчиларнинг расмий статистика маълумотларига бўлган этиёжларидан келиб чиқсан ҳолда Статистика кенгаши ва Жамоатчилик кенгашига томонидан шакллантирилган тақлифларни инобатга олсин;

2020 йилда ушбу қарорни амалга ошириш доирасидаги сарф-харажатлар учун давлат бюджети параметрларидан доирасида зарур маблағларни ажратишинг 2021 йилдан бошлаб ҳар йили зарур бюджет маблағларини назарда тутсин.

11. Давлат статистика қўмитаси бошқарувчиларни маблағлар билан биргаликда иккى ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

статистика ишлаб чиқарувчиларнинг **статистика методологияларини аудитдан ўтказиш тўғрисидаги** даги низом лойиҳасини;

қонун хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартариш ва кўшимчалар тўғрисидаги киритиш.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига б-иловага мувофиқ ўзгартаришлар киритилсан.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикаси кенгашига таркиби тўғрисидаги” Ф-1838-сон фармойиси ўз кучини йўкотган деб хисоблансан.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринбосари Ж. А. Кўйкоров ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р. А. Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 3 август

ТАРИХИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ БАРДАВОМЛИГИ ИФОДАСИ

ҲАР КЎНГИЛДА БИР ЧИРОҚ ЁНДИ

Кўшниси уй курса, ҳашарга чиқиб, биргалашиб том ёладиган ҳалқ бў. Тўй-маросимларда уйдан чиқолмаган ҳамюртларини бир товоқ ош билан йўқлайдиган, кимнингдир бошига ташвиш тушса, сандигига тўйга олиб қўйган бисотини олиб чиқиб, “узилган жойига ялок” улок, етмаган жойига ямоқ” бўлган ҳалқ бў. Буюк даҳорлари, жаҳон айвонига маърифат чироғини ёқиб кетган маърифатпарвар болబолар удумларини давом эттириб, бир-бирини мудом кўллаб, сяъ, бир майизни кирк, кишига илиниб яшайдиган саховатли одамлар шу юртдадир.

Бугун жаҳон ахлини ларзага солаётган ташвиши кунларни бошдан кечирадар оқибат, мурувват туйгулари тарк этмайди дилиларни.

“Ўйда колинг!” деган чорлов, гарчи хаммани бирдек хонанишин қилиб кўйган бўлса-да, қалб, руҳан бир-биримизга яқин, маддакор бўлиб яшамодни.

Тўғри, аввалгидек бир-биримизни йўлкаб бориш, тўю тадбирларга вақтнинг чек кўйидаги. Чунки хамма ўзини, яқинларини этиёт қилиши, шу йўл билан кўринимас “ев” – коронавирусни ёниши кириш. Энди улуғ кунларда қадронаримизни телефон орқали кўлашга одаландиган. Албатта, бу жуда зарур, карантин конидаларига катъийат амал килиш – омон кўлинишнинг ягона йўли.

Юртошларимиз Курбон ҳайитини оила даврасида нишонлар экан, бу синовли кунлар тезроқ ниҳоясига етишини Яраттандан сураб, дуога кўл очдилар.

МУҲТОЖНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ИНСОНИЙ БУРЧДИР

Президентимиз томонидан имзоланган “Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтоҳ аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” Фармон мамлакатимизда инсонга ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Хусусан, Фармонга кўра, Оролбўйда пандемия шароитида моддий ёрдам ва кўмака муҳтоҳлар рўйхатига киритилган оилаларга 10 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилиди. Шу асосда мукаддас Курбон ҳайити муносабати билан ҳалқимизнинг тарихий ва майновий кадриятларидан келиб чиқиб муҳтоҳлар холидан ҳар бир олинига қўллаб-қувватлашаган давлат эса фаронов бўлади, тобора юксалиб бораверида.

Мехр-муруват, рах-саҳоват каби эззуга амаллар халқимизнинг азалий қадриятларидан хисобланади. Аёни, яхшилик, оқибат, раҳм каби улуғ фазилатлар инсоннийийнайтлайди. Демак, кимки эзгуликка интилса ҳаётига, ризқига барака киради. Юксак майновий фазилатлар

САХОВАТ ВА ҚЎМАК ҚАЛБ АМРИМИЗ, ЭЗГУ МАҚСАДИМИЗГА АЙЛАНДИ

Энг кийин, оғир вазиятда ҳам ёрдамга муҳтоҳ инсонлар ҳолидан хабар олиш, меҳр-муруват ва қўмак қўрсатиш ҳалқимизга хос азалий қадриятлардан. Минг йиллар давомида қон-қонимизга сингиб келган бу қадриятлар коронавирус пандемияси дунёни ўз исқанжасига олган айни дамларда яна ҳаётимизнинг бош мезонига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг “Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтоҳ аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” Фармон мамлакатимиздаги кўмакка муҳтоҳ инсонларни ижтимоий ҳимоя килиш ва моддий қўллаб-қувватлашаш кимшигина ташкил ишончлигини тъминлашга катта турти берди. Муборак Курбон ҳайити кунларидан бошланган бундай саховат тадбирлари ҳалқимизни бенихга руҳлантириди.

Чунончи, коронавирус пандемияси оқибатларни юмасидаги ҳисоботи ҳамда Курбон ҳайити муносабати билан республика бюджетидан “Саховат ва қўмак” жамғармасининг Сурхондарё вилояти бўлими келиб тушган 10 миллиард сўм мидоридаги бир марталик миддий ёрдам пуллари вилоятимиздаги 13 минг 193 та этиётмандига оиласа сектор раҳбарлари ва кенг жамоатчилик вакиллари томонидан етказиб берилди. Шунингдек, мазкур тадбирбаси дуирасида ногонигонлиги бўлган, чин етим инсонлар умргузаронлик қилаётган, кам тъминланган оиласаларга биралами озиқ-овкат маҳсулотлари хайтилик тухфа сифатида тақдим этилди. Ўз навбати-

да, уларнинг яшаш шароити, муаммола-рўғанилиб, бартараф килиш чоралари кўрилди.

Муравқаб вазият – коронавирус пандемияси даврида бу каби эзгу ишларнинг амалга оширилиши жамиятда инсон омилини улуглаш, меҳр-оқибат, ҳамжикатлик, багриен

